

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (11.427)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг МДХ давлатлари билан алоқалар бўйича махсус вакили Фарит Мухаметшинни қабул қилди.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан батафсил фикр алмашилди. Шунингдек, минтақадаги сув-энергетика манбаларидан оқилона фойдаланишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Фарит Мухаметшин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

Тошкент Маданият коллежида кўҳна ва ҳамиша навқирон пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланган «Жаҳон билан бўйланурсан Тошкентим» номли театрлаштирилган мусикий байрам дастури ташкил этилди.

ҲАМИША НАВҚИРОН ТОШКЕНТ

— Биласизми, бу байрам сахналари ўқувчиларнинг бир йиллик меҳнати самарасидир. Мақсади аниқ, жонажон пойтахтимизнинг асрлар силсиласидан омон қолиб келаётган асрий маданияти, тарихи, қадамжоларини асраб-авайлаш, пойтахтнинг мозий жабрларига дош берганлигини оммага етказишдан иборат. Бахонада бу ерга йиғилган томошабин бир томондан, мароқ билан дам олса, иккинчи томондан муқаддас гўшанинг бой тарихини ўрганади, — дейди тадбир бош режиссёри Турғунбек Иброҳимбеков.

Бугун пойтахт хар қачонгидан ҳам чирой очмоқда. Қадим ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш, азият шаҳарининг бой тарихи ва маданий меросини тарғиб этиш орқали ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтириш мақсадида юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилаётти. Тадбирда азият шаҳарнинг ўтмиши билан бирга, бугунги ҳолати, чирой очган гўшалари ўқувчилар томонидан батафсил кўрсатиб берилди.

— Тўғриси айтсам, Тошкентнинг тарихи ҳақда ўндан бир маълумот ҳам эга эмас эканман, ана шу тадбир баҳона остига бўлсада, муҳим янгиликлардан хабардор бўлдим. Бу осон кечмади, албатта тинмай китобларни, қомусий лугатларни варақлаб, шеър ва ашулалар топиб, изланиб, пойтахтнинг ўтмишидан бохабар бўлдим, — дейди коллежнинг 3-босқич талабаси Ширин Турдиева.

Ўқувчилар нафақат режиссёрлик, хонандлик, балки устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Иброҳимбекова ёрдамида ўз актёрлик маҳоратларини намойиш этиб, театрлаштирилган кичик спектакллари билан барчани ҳушнуд қилишди.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.


✓ **БУГУН** 1-Тошкент педагогика коллежида Чилонзор туман «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчиларининг якуний машғулоти бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент автомобиль ва йўллар институтида талабалар, ўқувчилар иштирокида Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўтказилган «Қон — ҳаёт манбаи» мавзусидаги тадбир 14 июнь — Халқаро донорлар кўнига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 204-мактабда юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви туман маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бўлимлари ва «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида «Ягонасан, муқаддасан Ватан» мавзусида ўтказилган кўшиқлар кўрик-танловининг Миробод туман босқичига тайёргарлик қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Айни кунларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талаба-ёшлар ўқув йили якунидаги битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириш мақсадида қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса, коллеж ва лицейларни тамомлаётган ўқувчилар учун бу йилги ёз палласини жиддий синов даври десак адашмаймиз. Чунки уларнинг аксарият қисми олий ўқув юртларига ўқишга кириш ниятидалар.

СУРАТДА: талаба-ёшлар имтиҳон олдидан.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг Кичик ва ўрта бизнес бўйича қўйи қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, электротехника, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сўғурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сай-

ёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э.Ғаниев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга давлат таширифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги поғонага олиб чи-

қишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 91 та компанияси ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

XXI савдоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Халқаро молия корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш» қўшма лойиҳаси асосида семинар бўлиб ўтди. Анжуман давомида «Солиқ қончилиги, солиқ маъмурчилиги ва солиқ мажбуриятларини бажариш» ҳамда «Камерал назорат, молиявий ва солиқ ҳисоботларининг таҳлили» мавзусларида тренинг ва муҳокамалар уюштирилди.

• Қарши шаҳрида «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси: тажриба ва истиқбол» мавзусида минтақавий семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда янги таҳрирда тайёрланаётган Хўжалик-процессуал кодексини мукамаллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари бўйича саралаш босқичи ниҳоясига етди.

• Бухорода Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан кўп босқичли «Кўшни кўшнига» кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Яқинда мазкур кўрик-танловнинг «Энг мурувватли кўшни» деб номланган биринчи босқичи якунланди.

• Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, республика «Хунарманд» уюшмаси, Рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари ассоциацияси ташаббуси билан «Ипак иплар жилоси» деб номланган каштачилик буюмлари кўргазмаси очилди.

• Янгикўрғон шаҳарчасидаги «Гулираъно-Нозик» ўқув-ишлаб чиқариш марказида қизларга касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди.

• Шаҳрисабз туманида ўтказилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида 61 та корхона ва ташкилот 419 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 83 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. 41 киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Таъкидлаш жоизки, иш билан таъминланган фуқароларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

ЖАҲОНДА

• Бугун Эронда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловларда Президентликка асосий даъвогар иккинчи мuddатта сайланиш учун ўз номзодини қўяётган амалдаги давлат раҳбари Махмуд Аҳмадинажотдир.

• Бугун Россияда Россия кўни байрами кенг нишонланди.

• Форс кўрғазидagi Араб давлатлари ҳамкорлик Кенгашига аъзо олтига мамлакатдан тўрттаси — Кувайт, Баҳрайн, Қатар ва Саудия Арабистони ушбу минтақадаги давлатлар валюта Иттифоқини тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Форс кўрғазига ягона валютанинг 2013 йилда муомалага киритилиши режалаштирилмоқда.

• Қидирув ишлари натижасида, жорий йилнинг 1 июнь куни Бразилиядан Франция томон парвоз қилиб Атлантика океани устида ҳалокатга учраган «А-330-200» аэробуси йўловчиларидан яна уч кишининг жасад топилди. Шундай қилиб, Атлантика океанида танаси топилган ушбу самолёт йўловчиларининг сони 44 кишига етди.

• Жанубий Корея ўзининг Народаги космик марказининг қурилиш якунланганини эълон қилди. Ушбу қурилиш лойиҳаси 248 миллион долларни ташкил этади.

• Австралия авиаконанисининг «А-330-200» русумли самолёти бошқарув тизимида юзага келган носозликлар туйғайли Гуам оролига қўнишга мажбур бўлди. Ушбу нохуш ҳодиса оқибатида ҳеч ким жабрлангани йўқ.

• Перу маъмурлари Амазонка ҳавзасида яшовчи ҳиндуларнинг норозиликларига сабаб бўлган иккита декретнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишди.

• 2010 йилдан эътиборан Америка ҳудудини тарқ этаётган хорижий фуқаролардан денгиз портларида, аэропортларда ва қуруқликдаги чегара постларида бармоқ излари олиш ва суратга тушириш каби биометрик маълумотлар йиғиш тадбири амалиётга жорий этилади. Яқиндан бошлаб эса тажриба тариқасида Жоржия штатининг Атланта ва Мичиган штатининг Детройт аэропортларида бармоқ изларини олиш ишлари йўлга қўйилди.

• Канаданинги Ванкувер шаҳри дунёда яшаш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган шаҳар сифатида эътироф этилди. «Economist intelligence» Unit (EU) компанияси томонидан олиб борилган кузатишлардан сўнг шундай хулосага келинди. Рейтингининг юқори поғоналаридан Вена, Мельбурн, Торонто, Хельсинки каби шаҳарлар ҳам ўрин олган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Форумда корейлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодидеги сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобил-созлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давомий таътиб кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийтимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги янгиланишлар билан яқиндан танишдилар.

— Мамлакатимиздаги қўлай сармоявий муҳит корейлик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан қўллаб соҳаларда ҳамкорликка қизиқишини кўчатиришда, — дейди «Silla FNC» компанияси раиси Пак Кин Кью. — Ташиф асосида Навоий ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлди. Бу шаҳарлар айниқса, қадимий Самарқанд ва пойтахтиниз Тошкент бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Жанубий Корея фирми ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Зеро, давлатларaro иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ишбилармонлар ўртасидаги бевосита шериклик алоқалари қўламини янада кенгайтириш ва мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Тадбир қатнашчилари бир-бирининг имкониятлари билан танишиб, ўзарo муносабатларни ривожлантириш, биргаликда ўзарo манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдидилар.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Кўп қаватли уйлardan иборат «Миришкор» маҳалласида бўлсангиз, байрам арафасида амалга оширилган ва бажарилаётган ишлар кўнглингизни кўтарди. Маҳалладаги 9 та кўп қаватли уйда 17 миллат вакилларидан иборат 3650 нафар кексаю ёш аҳилликда яшашмоқда. Албатта, кўни-кўшни бир-бирини таниган, яхшию ёмон кунларда елкадош бўлган масканда меҳр-оқибат устун.

— Биз ҳам мана шунга эришиш ниятида меҳнат қиляптимиз, хар бир хонадонга кириб боришга интиляптимиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмоножон Раҳимов. — Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва ушбу ҳужжат асосида шаҳар ҳамда туман ҳокими-нинг Қарорлари биз учун асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Беҳизга ободлик кўнглидан бошланади, дейишмаган. Маҳалламизда энг аввало ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, яшовчиларга қўлайликлар яратишга эътибор қаратдикки, бу ишдан ҳеч ким четдан қолмаслиги учун тарғибот-ташвиқот ишларини намунали олиб бордик. Натижаси эса самарали бўляпти. Яшовчиларнинг уюштирилган хашарлардаги фаоллиги ошди, уй-жойни сақлаш ва асрашда ҳамжиҳатлик кўчайди.

Шу кунга қадар маҳалладаги 4 та уйнинг фасоди таъмирланди. Ҳозирда эса қўламанларда ҳам бу юмуш муваффақиятли удаланмоқда. Утган йилларда экилган ниҳоллар парваришига эътибор қаратиш баробарида яна 300 туп дарахт, минглаб гул кўчатлари экилди.

Маҳалла МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Ватан ичра кичик ватан саналган маҳалларимиз чирой очса, албатта бу пойтахтимиз кўркини оширади. У ерда яшовчи маҳалладошларнинг ҳамжиҳатлиги эса ободлиги фаровонликда ёрқин акс этади. Бектемир туманидаги 12 та маҳаллада ҳам қутлуғ шодиёналар арафасида ўзгача шуқуқ ҳукмрон, десак асло муболага бўлмайди.



5 та болалар майдончаси таъмирланди, обод этилди ва яна 5 та шундай майдончани қуриш ниятлари бор. Кириш йўллари таъмирланди, тартибга келтирилди. Бу борада хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаол бўлиб, шунинг баробарида маҳаллага туман ҳокимилиги, ҳомий ташкилотлар, айниқса «Неуродик» акциядорлик жамияти яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Маҳаллада «Уста-шогирд» мактаби яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу аёлларга, ёшларга хунар ўргатишда, шу асосда иш билан таъминлашда муҳим ниҳоллар парваришига эътибор қаратиш баробарида яна 300 туп дарахт, минглаб гул кўчатлари экилди.

табларидир. Шунингдек, кичик бозорча, бир неча маший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари аҳоли хизматиди. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Алия Темурбекованинг таъкидлашича, пойтахтимиз тўйини муносиб қутиб олиш мақсадида кўллаб тадбирлар ўтказилмоқда, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкиллаштирилди. Маҳалладаги турар жой бинолари ўртасида ўтказилаётган «Энг ибратли уй» ва «Энг покиза хонадон» кўрик-танловлари байрам арафасида ниҳолланиб, голиблар муносиб тақдирланди.

Туман ҳокимилиги ташаббуси билан маҳаллаларaro ўтказилаётган «Энг ибратли маҳалла» кўрик-танлови ҳам шахримиз юбилейига бағишланади. Оксоқолнинг мақсади эса «Миришкор»нинг голиб бўлишига эришиш. Албатта, кексалар хурматда, кичиклар иззатда, аёллар саранжом-саришта, кам таъминланганларга эътибор қатта, болаларни шод, ҳамжиҳатлиги хашарлар билан обод бўлаётган мазкур ошёнга голиблик ярашади. Фақат эзгу мақсад, ният холис бўлса, унинг рўёби ҳам хайрли бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: маҳалла фаоллари. Ҳакимжон Солихов олган сурат.

ОҚ ЙЎЛ, ЗОБИТЛАР

Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги тингловчиларини мустақил ҳаётга қузатиш ва уларга махсус зобитлик унвонларини беришга бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Мактаб ҳовлиси эрта тонгданок битирувчилар, уларнинг ота-оналари, мактаб педагогик жамоаси ва тантанага ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум бўлди. — Мамлакатимиз ички ишлар идораларини малакали ва етук кадрлар билан таъминлашда мактабнинг ўзига хос ўрни бор, — деди тантананинг очилиш маросимида мактаб бошлиғи генерал-майор Матрасул Собиров. — Ишончманки, бугун кўлларида зобитлик дипломи билан масъулятли вазифаларга отланаётган битирувчилар мамлакатимиз бойлигини, фуқаролар ҳаёти ва мол-мулкни ўт баласи ҳамда бошқа хавф-хатарлардан сақлашда билим ва маҳоратларини ашмайди.

Таъкидлаш лозимки, мактаб бугунги замонавий таълим стандартлари даражасида жиҳозланган. Олий техник мактаби ташкил этилгандан буён республика ички ишлар идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органларига тўрт мингдан зиёд офицер-кадрларни етиштириб берди. Мактаб педагогика жамоаси ҳам яратил-

ган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ички ишлар сафини етук кадрлар билан таъминлаш борасида жон-бозлик билан меҳнат қилмоқда. Утган йили мактаб фаолиятининг ўн беш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ педагоглар Президентимиз Фармонида мувофиқ фажрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас. — Беш йил ичида билим ва маҳоратимни ошириш баробарида, қатта ҳаётий сабоқ ҳам олдим, — дейди мактабни имтиёзли диплом билан тугатаётган лейтенант Шерзод Келдиев. — Устозларимдан ўрганган билимларим, ўқиш давомида тўплаган кўникмаларим элу юрт олдидаги масъулятли вазифани адо этишимда дастуриламал бўлди.

Тантананда Республика Ички ишлар вазирли генерал-лейтенант Баҳодир Матлубов иштирок этди ва махсус стипендиантлар ва имтиёзли диплом эгаларига дипломларни топширди. «Туркистон-пресс»

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг таълим жараёнида олган билимларини янада такомиллаштириш, ўзига хос истеъдод эгаларини доимий рабатлантириб бориш ёзги ҳордиқ жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ёз — ўтади саз

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Шу маънода шахримиздаги бир қатор таълим масканларида ёзги мазмунли ҳар дамнинг мароқли ўтказиш чора-тадбирлари юзасидан иш режалари, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман ўқувчи ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган семинар-тренингда юқорида тилга олинган масалаларга эътибор қаратилди. Тадбирда мактаблар хошида ташкил этилган оромгоҳларнинг мурабийлар-ўқитувчилари, соҳа мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йилгили иштирокчилари туман халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Музаам Фуломованинг «Оромгоҳ ва спорт-соғломлаштириш майдончаларини ташкил қилиш», ўқувчилар ижодиёт маркази руҳшуноси М.Галкинанинг «Оромгоҳ болалари тар-

биясига психологик ёндошув», ўқувчи ёшлар техник ижодиёт маркази раҳбар ўринбосари Дилором Тўхтажўраеванинг «Оромгоҳ ва спорт-соғломлаштириш майдончаларини жиҳозлаш» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

— Болаларнинг ёзги оромгоҳлардаги дам олиш онларини мазмунли ташкил этиш биз — педагоглардан қатта масъулият талаб этади, — дейди Юнусобод туман ўқувчи ёшлар техник ижодиёт маркази директори Нуриддин Муҳидов. — Шу босис бугунги тадбир давомида соҳа мутасаддилари билан иш жараёнини ҳар томонлама мукамал, бугунги замонавий таълим андозаларига мос тарзда ташкил этишга доир масалалар юзасидан фикр алмашишга эътибор қаратмоқдамиз.

Тадбир якунида галдаги иш режалари, вазифалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Дония Валиева 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ёшлигида қўлига тушиб қолган эронлик ёзувчиларнинг бадиий асарларини ўқиган Дония опада Эрон халқи, унинг маданиятини ўрганишга интилиш ўйонди. Ўз интилишларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Д.Валиева 1947 йил Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетининг хорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлимига ўқишга кириб, уни 1952 йилда шарқшунос-тарихчи мутахассислиги бўйича битирди.

Илмга чанқок Дония опа ўз билим ва салоҳиятини орттириш ниятида 1953-1956 йилларда Москвадаги Шарқшунослик институтини аспирантурасида ўқиди. Илмий изланишлари натижаси 1959 йилда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Иқтисослашган илмий кенгашида Эрон билан 1921-1960 йиллардаги маданий алоқалар ривожига бағишлаб муваффақиятли ёқланган номзодлик диссертациясида ўз аксини тоғди. Ораузи ушалган Д.Валиева катта илм даргоҳига йўл олди ва 1957 йилдан буён — 52 йил давомида — Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака-

демияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Илмий фаолияти мобайнида олимпиада ва Яқин Шарқ мамлакатлари тарихи ва иқтисоди бўлимида қатта илмий ҳодим,

Хамшаҳарларимиз ШАРҚ ОЛАМИ ЗАҲМАТКАШИ

Ақсарият инсонларда ўзининг келажagini белгилаш ёшликдаги бирон-бир соҳага қизиқишдан бошланади. Кўпгина ёшлар фазогир, математик, шифокор, ўқитувчи бўлишни орзу қиладилар ва пировард натижада ўша касбларнинг фидойисига айланадилар. Ана шундай инсонлардан бири — Эрон, унинг тарихи, адабиёти ва маданиятига ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ ҳаваси уйғонган эроншунос оλίма Дония опа Валиевадир.

1957-1977 йилларда мазкур институтнинг Эрон тарихи, иқтисоди ва маданиятини ўрганиш илмий гуруҳига раҳбарлик қилди. Ҳозирги кунда Д.Валиева Ватанимиз мустақилликка эришгач шарқшунослик фани олдида хорижий Шарқ мамлакатлари билан бўлган дипломатик алоқалар тарихини ўрганиш борасида қўйилган вазифа, жумладан Эрон билан бўлган дипломатик алоқалар тарихини ўрганиш гранти доирасидаги мавзу тадқиқоти билан машғул.

Д.Валиеванинг 1965 йилда нашр этган монографияси икки мамлакат ўртасида кўп қиррали маданий алоқаларнинг ривожланиш жараёнини чуқур илмий асосда кўрсатиб берди. Олиманинг (ҳаммуаллиф-

унинг ижтимоий, сиёсий ҳаётда тугган ўрнини ўрганиш ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Олиманинг «Исломининг қалбаки дўстлари» (1986) китоби мусулмон ва бошқа мамлакатлардаги турли доиралар, гуруҳ ва сиёсий раҳбарларнинг сиёсий ҳокимият учун ҳамда бошқа мақсадлар учун курашда ислом омилидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилаётганликларини аниқ фактлар ва далиллар асосида кўрсатиб берилган. Мазкур илмий иш билан танишганлар олиманинг ўша вақтдаги илмий хулосалари тўғри эканлиги, «ислом ҳомий»ларининг ҳозирги кунда амалга ошираётган разилона хатти-ҳаракатларининг сабабларини аниқлаб етадилар.

Олиманинг илмий фаолиятида хорижий Шарқ хотин-қизлари, жумладан, Эрон аёлларининг муаммолари ҳам ўрин олган бўлиб, «Раз-виег жонского движения в Иране» номили рисоласида Эрон аёлларининг озодлик,

эрк, адолат ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида олиб борган курашлари ҳақида фикр юритилади. Зикр этилганидек сунгги йилларда Д.Валиева Ўзбекистоннинг чет давлатлар, жумладан, Эрон билан бўлган дипломатик алоқалар тарихини ўрганиш борасида фаолият олиб бормоқда. Бу йўналишдаги илмий изланишларининг биринчи махсуллари сифатида «ХХ асрнинг биринчи чорегинда Бухоро — Эрон дипломатик

алоқалари тарихидан» (Шарқшунослик. Тўплам. 1999 йил. 9-сон) мақоласини зикр этиш лозим. Д.Валиеванинг архив ҳужжатларидан иборат материаллар ва кўлемза манбалар асосида ёзилган мазкур, шунингдек, «Ўзбек дипломатияси тарихидан» номили тўпламдан ўрин олган бир неча мақолалари Мустақил Ўзбекистоннинг дипломатияси тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўлади.

Д.Валиева етук оλίма бўлиш билан бирга иқтидорли таржимон ҳамдир. Оліма Эрон ёзувчиларининг «Жамила озод этилсин», «Улар ҳам бахт учун туғилган», «Болалиги зулматда» каби бир неча асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Биз ҳамкасблари — шарқшунослар синчков тадқиқотчи, теран фикрли оліма, бағри кенг инсон — Дония Валиевага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, илмий ишларда улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз. **Роик БАХОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ҳодими, фалсафа фанлари доктори**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартларидан бири сифатида белгиланган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилашга доир фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилди. Ҳуқуқ ҳимояси мавзусида йигирмадан зиёд ихтисослашган журнал ва газеталар чоп этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари таълимининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда шулар ҳусусида сўз борди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий кадрият сифатида эътироф этилгани, бунинг амалий самараси жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараларида ўз исботини топаётганини таъкидлади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари амалда самарали жорий этилаётди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ишларига эътибор янада кўчайди. Ҳусусан, инсон ҳуқуқларига бағишланган кўллаб адабиётлар, ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Инсон ҳуқуқлари таълими — инсонни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мажбуриятлари билан таништиришга қаратилган узлуксиз жараён бўлиб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни, аҳолининг ҳуқуқий билиминини янада юксалтириш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар юксак самаралар бераётганидан хабарим бор, — дейди Москва давлат юридик академияси профессори В.Лазерев ЎЗА мухбирига. — Миллий қонунчиликни халқаро меъёрларга мослаштириш борасида Ўзбекистон кўпгина МДҲ давлатларига нисбатан анча илгарилаб кетганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мазкур анжуман ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган улкан эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, бир неча хорижий мамлакатлардан соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда инсон ҳуқуқлари таълими бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислохотларга юксак баҳо берилди. Ҳусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилгани алоҳида таъкидланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Тиббиёт

ЯНГИ МОДУЛ ТУЗИЛДИ

Тошкент Тиббиёт академиясининг биринчи клиникасида «Ўргатувчи ва назорат қилувчи қишлоқ врачлик пункти модули» жорий қилинди. Ушбу модул 1500-3500 нафар аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Бу ердаги ҳар бир хона талаб даражасида жиҳозланиб, ўқув адабиётлари ва зарурий тавсияномалар билан бойитилди. Физиотерапия, акушер, патронаж, ҳамшира, менежер хоналари ҳам муолажалар олиб борилади. «Ўргатувчи ва назорат қилувчи қишлоқ врачлик пункти» модули ўзининг дорихонасига ҳам эга бўлди.

ФАХРЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

«Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони билан мукофотланганлар сони яна бир неча моҳир шифокорлар ҳисобига ортди.

Улар орасида Тошкент шаҳри шифохоналарида фидокорона меҳнат қилиб, обрў-эътибор топаётган тиббиёт ходимлари ҳам анчагина. Тошкент шаҳар биринчи сон сил касалликлари клиник шифохонаси ҳамшираси Дилором Хасанова, Чилонзор туманидаги 34-сон оилавий поликлиника шифокори ҳам бундай фахрий номга эга бўлдилар. **Ақбар АЛИЕВ**



Кино оламида

«УЧ МУШКЕТЁР»НИНГ ЯНА БИР ҚАҲРАМОНИ АНИҚЛАНДИ!

Александр Дюма асари асосида суратга олинган «Уч мушкетёр» фильмидаги машҳур фитначи аёл, жосус, маъшуқа ва одамларни заҳарлаш билан шуғулланган «Миледи» – графиня де Лафер ёдингизда бўлса керак. Худди д'Артаньян сингари бу ёвуз аёлнинг ҳам ҳаётдаги прототиби бўлган экан. У ҳам гўзал ва машҳур фитначи бўлиб, графиня Жанна де Ламот экан.

Киролича Мария Антуанетта дурларини ўғирлаган Жанна нақ 220-250 миллион долларлик хазинани қўлга киритган. У умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилинган ва ўғри сифатида Қирол нулфари тамғасини кўздириб, унинг елкасига босишган. Аммо айёр графиня ёлгондан ўзини ўлганга чиқариб, бошқа фамилия билан Россияга қочиш кетишга муваффақ бўлган. Бу ерда у Санкт-Петербургда ва кейин умрининг охиригача Кримнинг ҳозирги Артек оромгоҳи ҳудудида сотиб олган жойида яшаган.

1826 йили у қаттиқ касал бўлиб, кўп ўтмай вафот этган. Уни қандай кўмишни билишмай, ҳар нима бўлганда ҳам мурдани ювишга қарор қилишган ва унинг елкасидаги нулфур тамғасини кўришган.

Бундан чорак аср муқаддам Россия ва Франция тарихчилари ниҳоят ягона фикрга келишди. Нохуш воқеалар билан ном чиқарган графиня Жанна де Ламот (у киролича Мария Антуанеттанинг қатл этилишига сабабчи бўлган) ҳақиқатан ҳам ўз жонига қасд қилмагани эътироф этилди. У чиндан ҳам Россияга келиб, графиня де Гаше номи билан Санкт-Петербургда ва Кримда яшаган.

Лекин графиня жасадини нима учундир Феодосиядаги арманлар қабристонига кўмишган, деб ҳисобланади. Эҳтимол, бу унинг хизматкори арман аёли экани билан боғлиқдир. Бу «Миледи»нинг яна бир ва энг сўнгги найрангларидан бўлса ажабмас.

Табиат неъматлари

САБЗИ ФЙДАЛИ, ПИШГАНИ УНДАН ҲАМ ЯХШИ

Халқимизда сабзавотнинг янги узилгани эскирдан фойдаланароқ, овқатга тушган сабзавотларнинг витаминлари нобуд бўлиб, фойдаси қолмайди, деган гаплар юради. Аммо бу борада олимларнинг жиддий тадқиқотларга асосланган ўз фикрлари бор. Биринчидан, витаминлар сабзавотларнинг асосий бойлиги, қимматини ташкил этмай, уларда витаминлардан ҳам фойдаланароқ бошқа моддалар ҳам мавжуд. Иккинчидан, кайнатилган, димланган, бугда тайёрланган ёки товада пиширилган табиат неъматлари хомларига қараганда анча фойдалирок экан. Буларнинг ҳаммаси ҳақида биология фанлари номзоди Матлуба Абдурауфова ҳикоя қилади:

Келинг, олимларимизнинг далил-исботларига тўхталайлик. Яқинда Италиянинг Парма ва Неаполь университетлари олимларининг жуда синчиклаб ўтказилган тадқиқотлари натижалари эълон қилинди. Одатда, сабзида А витамини кўп деб ҳисобланади. Бундай караш сабзининг ҳосиятларини камситишдан бошқа нарса эмас. Зеро, альфа ва бета-каротинлар унинг асосий бойлигидир. Қудратли антиоксидантлар сифатида улар организмда түпланиб қолган зарарли эркин радикаллари зарарсизлантиради ва бу билан организмнинг қариш жараёнларини секинлаштириб, бизни атеросклероз ва саратон касалликларидан ҳимоя қилади.

Сабзида яна лютеин моддаси ҳам бўлиб, у ҳатто кексалик ёшида ҳам кўрши қобилиятини яхши сақлаб қолади. Шунинг ҳам айтиш керакки, А витамини сабзининг ўзида бўлмайди, балки танамиздаги каротиндан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, сабзини қайнатилганда ундаги жуда қимматли каротинлар микдори 14 фоизга, лютеин эса 11 фоизга кўпайган. Бу – шўрва ёки сабзавот димламасидан гарнир тайёрлаётганингизда сабзини аямая, кўпроқ ишлаши керак, демакдир. Лекин бошқача усулларда уларни тайёрлаш қандай бўларкин? Масалан, қайнатилган ёки қиздирилган ёгда ковурилган сабзида хомига қараганда каротинлар микдори бир оз камайган. Аммо ҳафсалангиз пир бўлмасин, чунки бунда ҳам сабзи янада фойдалирок бўлавераркан! Бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

Дам олиш соатларида

кур усул 2006 йили америкалик биофизик Пол Ротмунд томонидан ишлаб чиқилиб, «ДНК-оригами» номи олинган. Дастлаб у фақат текис юзадагина ишларди ва тадқиқотчилар уни илк бор уч ўлчовли объектга ўтказишга муваффақ бўлишди.

Физиклар қурилиш ашёси си-

ўлчамлари 42x36x36 нанометрга тенг. Агар уни кум донаси билан ёнма-ён қўйиб, гугурт қутиси баробарида катталаштирилса, унга пропорциона равишда катталашган кум донасидан баландлиги бир километрга тенг тоғ ҳосил қилади. Лекин қути алоҳида вирус ёки йриқ молекулаи сигдир-

жужайраларга зарар етказмаслиги мумкин. Иккинчидан, қутичаларга икки та флуоресцент молекулаларни жойлаштириб, улардан индикаторлар тайёрлашни ўзлаштирилган. Бундай қутичалар қопқоғи очилишида флуоресценция рангини қизғишдан яшилга ўзгартиради. Агар бу ҳодиса яна бир бор муайян моддалар мавжудлигига жавобан юз берса, бунда ўта микроскопик детектор ҳосил бўлади.

Олимлар тилга олган учинчи имконият, кундалик ҳаётда амалий қўлланишдан йироқлигига қарамай, энг қизиқарлисидир. Уларнинг наноқутилари икки ҳолатдан бирида – яъни очик ёки ёпиқ ҳолатда тура олиши микроскопик қутиларни компьютер ҳисоблаш қисмлари билан яқинлаштиради. Улар бир томондан (очилиш ва ёпилиш жараёнида) ахборотларини қабул қилиши, иккинчи томондан – (флуоресценция рангини ўзгартира бориб) уларни сақлаш ва узатиш ишини бажариши мумкин.

Фан оламида

ОЛИМЛАР НАНОҚУТИНИ ЯРАТИШДИ

фатида ДНК танланиши сабабини ушбу молекула ўз чизиги турли участкалари орасида алоқаларни шакллантира олиши билан изоҳлашмоқда (жонли ҳужайралар ёки вирусларда бу хусусият чекланган ҳажм ичида узун молекулаи йиғишга ёрдам беради). Параллел жойлаштирилган ДНК ҳалқалари бир-бирига уланиб, ягона текис юзани ташкил этади ва у кейинчалик микроскопик қути деворлари ва қопқоғига айланади.

Олимлар яратган митти қутичалар ҳажми жуда кичик – унинг ра олишига қарамай, Nano Werka берган интервьюларида тадқиқотчилар ўз ихтиролари камида уч хил мақсадда иш бериши мумкинлигини эслатишади.

Биринчидан, бундай қутичаларга дорилар молекулаларини жойлаштириш ҳамда унинг қопқоғини фақат бирон таъсир остидагина очиладиган қилиш мумкин бўлади. Бундай қутичалар қули таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаши ва беистисно фақат ўсимта ҳужайраларига яқинлашгандагина қопқоғи очилиб, соғлом

Футбол

ХИДДИНК: ХАЙРЛАШИШ ВАҚТИ КЕЛДИ!

Европанинг энг яхши футбол жамоаларидан бири – «Челси» ҳар қалай мавсумни энг нуфузли совринлардан бири – Англия кубогини қўлга киритиш билан якунлади. Шу билан машҳур «омадли» мураббий Гус Хиддинкнинг «Челси»даги ҳамкорлик фаолияти ҳам ниҳоясига етди. Мураббий, илгарилари ҳам таъкидлаганидек, бу жамоа билан ишлаш унинг учун шунчаки шартнома мажбуриятларини бажаришдан иборат бўлмай, унинг қалбидан чуқур жой олганини ҳам тан олди.

«Челси» раҳбарияти ҳам унинг фаолиятини ижобий баҳолади. Голландиялик мураббий «Челси»га мавсум охирида бораётган бир пайтда келгани ёдингизда бўлса керак. Луис Фелипе Сколари раҳбарлигида жамоа ҳаракатлари унчалик муваффақиятли бўлмаётгани туфайли уни «бир силкитиб, ҳушига келтириш» керак бўлиб қолганди.

Клуб ҳужайини Роман Абрамович дастлабки ўйинларданок Гус Хиддинкни танлаб хато қилмаганига ишонч ҳосил эта бошлади. Натихада эса, «Челси» Англия чемпионатида учинчи ўринни эгаллаб, Чемпионлар лигаси мусобақаларининг ярим финалигача етиб борди. Аристократлар жамоаси «Барселона»га қарши курашда судьялар бригадаси хатолари туфайлигина финалга чиқа олмади. Шунга қарамай, мавсум ҳар қалай, тафти босди бўлишга аризулик туҳфа – Англия кубогини қўлга киритиш билан якунланди.

Биллур соврин учун халқувчи ўйинда «Челси» Ливерпулнинг «Эвертон» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалабага эришди.

«Бу унвон катта нуфузга эга, негаки, Англия кубоғи жаҳондаги энг обрўли совринлардан бири ҳисобланади, — деди Хиддинк учрашув сўнгида берган интервьюсида. — Жаҳон футболи Маккасида Англия кубогини қўлга киритиш – бу ишончи қийин бўлган омад... Эндилқда менинг фаолиятим ва ёрдамчиларим ишини яхши деб баҳолаш мумкин».

Аристократлар жамоаси аъзолари бир овоздан Хиддинк учун ғалаба қозонишганини таъкидлашди. «Хиддинк – ажайиб мураббий, у айна пайтда ажайиб инсон ҳам. У мазкур ғалабани ҳақли суратда қўлга киритди», — деди ғалаба келтирган тўп муаллифи Фрэнк Лэмпард.

Сўнгги хабарларга қараганда, Гус Хиддинк «Челси» билан ҳамкорлигини давом эттирадиган бўлган. Унга клубнинг техник директори вазифаси тақлиф этилиб, мураббий уни бажондидил қабул қилган.

Формула-1

«ФЕРРАРИ» 2010 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

«Формула-1» жамоалари ассоциацияси (FOTA) ўзининг барча аъзолари келгуси йил жаҳон чемпионатида қатнашишга шартли равишда розилик билдиришганини маълум қилди. 2010 йил мавсумида қатнашиш учун аризалар бериш муддатининг сўнгги куни барча жамоалар иштирок этиш мақсадларини изҳор этишган.

Бундан олдинроқ, ёдингизда бўлса, «Феррари», «Рено», «Тойота», «Ред- Булл» «Торо Россо», агар FIA келгуси йили бюджетларнинг энг юқори чегарасини белгилаш ниятидан воз кечмаса (40 миллион фунт стерлинг), бойкот эълон қилиш билан таҳдид қилишганди. Ўтган ҳафтада FOTA вакиллари юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш учун автоспорт бўйича Халқаро федерация президенти Макс Мосли билан учрашишди.

Ниҳоят, барча жамоалар камида 2012 йилгача «Катта соврин» мусобақаларида қатнашишга ўз розиликларини билдиришди. Улар айна пайтда FIA олдига иккита шарт қўйишди. Улардан биринчиси – жамоалар, FIA ва «Формула-1» тижорат директори Берни Экклстоун ўрталарида шу йил 12 июнгача янги жамоавий шартномани қабул қилиш. Иккинчи шарт – келгуси йил регламенти нолдан эмас, балки FOTA тақлифи билан ўзгартишлар киритилган ва ҳозирда амал қилаётган қоидалар асосида ишлаб чиқиши керак.

Шунингдек, автосаройларнинг қўшма баёнотида улар, кейинги уч йил мобайнида пойғарлада қатнашиш таннархини пайсатиришга йўналтирилган жиддий қадамлар қўйиш бўйича яқдил қарор қабул қилганларини билдиришди. Бу ҳолат «мусобақаларнинг спорт-технологик асосларини сақлаб қолиш ва, айна пайтда, янги жамоалар пайдо бўлиши учун «Формула-1»ни очик ташкилотга айлантириш механизми»ни яратиши лозим.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.



Бахтиёр болаликнинг қувноқ палласи.

Инсон миясининг имкониятлари

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ХАЙРЛИ ВАҚТИ

Олимлар одамлар энг тўғри қарорлар қабул қила оладиган вақтини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлишди. 1400 киши ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида ялт этиб мияга келадиган энг тўғри қарор вақтини аниқ белгилаш мумкин бўлди. Жумладан, энг «соғлом» ва креатив фикрлар инсон миясида роппа-росса 22.04да пайдо бўларкан.

Аммо иш вақти (эрталаб соат 8-9 лардан кечки 17-19 ларгача бўлган вақт) мия фаоллиги жиҳатидан энг самарасиз вақт деб топилди. Британиялик олимлар тажрибасига кўра 98 фоиз ишчи-хизматчи иш куни давомида ўз вазифаларини бажаришга иштиёқ сезмайди.

Фикрлаш учун энг мураккаб вақт – соат 16.33. Айна шу давр мобайнида ходимлар ишларини бажаришда қийинчилик сезишади. Мияга келадиган тўғри қарорлар вақти билан бирга, яна баъзи бир хил хусусиятлар ҳам аниқланди. Инсоннинг ижодий имкониятлари қанчалик кенг бўлса, унинг қарама-қарши жинс вакилларида шериклари, дўстлари шунчалик кўп бўларкан. Айтилик, ўртача фаолликдаги инсонларда уч нафар шерик ёки ҳамфикрлари бўлса, ижодкор


шахсларда 4 дан 10 нафаргача хайрихоҳ дўстлари бўлиши аниқланди.

ФИКРЛАШ ВА ХОТИРА

Британиялик олимлар инсон ақл-заковати ҳеч ҳам миянинг катталигига боғлиқ бўлмаслигини исботлашди. Бунда миаларимиз компьютерга ўхшаб кетади – муҳими мия ҳажми эмас, балки унинг унумдор ишлашидир.

Олимлар инсон миясини бошқа тирик мавжудотлар мияси билан қиёслаб кўришди. Илгарилари миянинг ҳажми қанчалик катта бўлса, унда асаб толачалари шунчалик кўп бўлади, деб ҳисоблаб келишарди. Бу эса – катта ҳажмли мия эгасида ақл-заковат ҳам шунчалик кўп бўлади, деган гап эди. Аммо ҳақиқатда асаб толачаларини ташкил этувчи оксиллар бунда муҳим роль ўйнаши маълум бўлди. Сут эмизувчилар асаб толачаларида 600 га яқин оксиллар борлиги аниқланди. Умурткасиз жониворларда улар микдори икки марта, бир ҳужайраларда эса тўрт марта камдир.

Олимларнинг фикрларига кўра, асаб толачалари молекуллар тузилишининг ривожини компьютер чиплари ривожига таққослаш мумкин – тузилиш қанчалик мураккаб бўлса, ишлаш самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.



Бир чимдим кулги

ХОРИЖ ЛАТИФАЛАРИДАН

Судья: — Қўшингиз сиз уни ўз эчкисига ўхшатганингиздан шикоят қилаяпти. — Уларнинг қайсиниси устимдан шикоят қилаяпти? — Олимларнинг фикрларига кўра, асаб толачалари молекуллар тузилишининг ривожини компьютер чиплари ривожига таққослаш мумкин – тузилиш қанчалик мураккаб бўлса, ишлаш самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

— Нимага экан? — Сиз менинг ўрнимга даъво қилаясиз! Судья: — Тўрт йил олдин – 2005 йил 26 март куни нима билан банд бўлганингиз? — Икки қадаҳ ароқдан кейин диванга чўзилиб, Дюма саргузаштларидан 128-бетни ўқийтандим. — Ол-а! Бунинг ҳаммасини қандай эслаб қолдингиз?

Газетхон маслаҳат беради

КАЛАНХОЭ ФЙДА ҚИЛДИ

Стенокардия, тонзиллит ва бавосилдан каланхоэ деграмон гулларида қандай даволаниб тузалганим ҳақида ёзаялман. Стенокардия хуружлари тез-тез қийнаб, доим томоғим оғрийдиган бўлиб қолганида ёшим элликларда эди. Дугонам каланхоэ экиб ўстиришни маслаҳат берди.

Баҳорда унинг учта қаламчасини ўтқаздим. Сентабрь ойидан қунига уч маҳалдан унинг барглари ни истеъмол қила бошладим. Бир ойдан кейин нитроглицерин, корвалол, кардиовален ичишимга ҳожат қолмади. Томоғ оғригим ҳам қолди. Энди бавосилни даволай бошладим – шамга ўхшатиб барглари қўйишни одат қилдим.

Ҳозир ёшим 81 да, бавосил йўқ бўлиб кетди, юрак дориларини истеъмол қилмайман. Бирон кишига менинг муолажам фойда қилса хурсанд бўлардим.

Нина ВЕТКАСОВА, Сергели тумани

БОЛАЛАР РАСМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистондаги «Россотрудничество» ваколатхонаси мазкур кўргазманинг асосий ташкилотчиси бўлиб, унинг вазифаси жамоатчиликни Россия халқлари тарихи ва маданияти, илмий, маданий, иқтисодий салоҳияти, замонавий ҳаёти билан таништиришдан иборат. Ваколатхона Ўзбекистонда 2001 йилдан буён «Росзарубежцентр» ваколатхонаси сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 2008 йилдан чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар ва халқаро гуманитар ҳамкорлик бўйича федерал агентлик сифатида қайта ташкил этилган.

Болалар расмлари кўргазмаси улуг рус шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 210 йиллигига бағишланди. Унда Тошкент, Тошкент вилояти ва Навоий шахридаги бо-


Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва Ёсанъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистондаги «Россотрудничества» ваколатхонаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан улуг рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг 210 йиллигига бағишланган «Пушкинни ўқиб» номли болалар кўргазмаси очилди.

лалар ижодиёт марказлари ва ижодий студияларда таҳсил олаётган 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг асарлари ўрин олган. Кўргазма доирасида ҳайъат аъзолари А.С.Пушкин асарлари асосида яратилган энг сара асарларни танлаб, фолибларни аниқладилар. Айтиш жоизки, тақдим этилган болалар асарлари мавзуси барчага машҳур ва сеvimли бўлган эртақлар ва дostonлар, жумладан «Олтин балиқ», «Олтин хўроз», «Руслан ва Людмила»,

«Евгений Онегин», «Дубровский» ва бошқалардир.

Кўргазма доирасида «Бек Кичкинтой» хусусий болалар мактабига таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирокида «Биз ҳар кимни ва ҳаммани сеvimиз» шиори остида пушкинхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: болалар расмлари кўргазмасидан лавҳа.
Владимир Гранкин олган сурат.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР МАХТУМҚУЛИ

Қарилик бир қишдир,
кўнгили уйғонмас,
Юрак қийнаб, ишқинг оташи ёнмас,
Бел букилар, икки тизинг таянмас,
Қувватдан, мадордан,
кучдан айрилса.
Ер-осмонча фарқли одам одамдан,
Кимнинг сўзи заҳар, бол
томар кимдан,
Юз минг алвон турли
ҳар бир таомдан
Лаззат кетар, даҳан
тишдан айрилса.

Бевафога кўнгили берма, узавер,
Хайр қозон, гуноҳ ишдан безавер.

Бедавлат – соддадил,
қосиб – енгилтил,
Айёр еттов бўлса, қири софқўнгили,
Бойни манман, қари чолни эзма бил,
Гап-сўзлари уммон, сигмас челақка.

Ички сиринг айтма ҳар бир номардга,
Сиринг элга ёйиб, фош этар сени,
Ўғри-каззоб билан
ҳамқишлоқ бўлма,
Молингдан айириб, оч этар сени.

Эзма одам билан ўтирма-турма,
Зинҳор номард билан
сен суҳбат қурма,
Қадрдон дўстингдан юзинг ўғирма,
Борсанг – тепасига тож этар сени.
Бир мард каби нозанинга ёр бўлсанг,
Жамолини бир кўрмакка

зор бўлсанг,
Оралиқда бир шум рақиб
бор бўлса, –
Севимли ёр билан ўч этар сени.

Киши сўзламаса, сиринг фош бўлмас,
Яхшини, ёмонни билган ёш бўлмас.

Яхшилиқда элга ўзин танитган,
Олқиш олиб, даражаси зўр бўлар.
Ёмон бўлиб, яхшилиқни унутган,
Иззатин йўқотар, итдек хор бўлар.

Ўз ризкига ҳеч қаноат этмаган,
Кўзин тикар қас ошига, зор бўлар.

Ҳар ким ёмонласа тенги-тўшини,
Ўзи мушқул этар осон ишини,
Ким тарқ этса ақл билан ҳушини,
Қилар ишин билмас, шармсор бўлар.

Қурашда йиқилган, жангда енгилган
Ичи тўла номус билан ор бўлар.

Файрати кам бўлар гавҳари ознинг,
Қиймати паст бўлар
мотамда сознинг,
Уйига борсангиз бир бениёзнинг,
Кўкраги қисилар, кўнгили тор бўлар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бионолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома йўқолганлиги сабабли Темур Малик кўчаси, 2а-уй, 15-хонадон соҳиббаси Гуламова Улмасга М.Улугбек тумани нотариуси томонидан берилган гувоҳнома
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол

БРАЗИЛИЯЛИК МУТАХАССИС ТОШКЕНТДА

2002 йили ФИФА томонидан ўтказилган сўровномадан «Йилнинг энг яхши мураббийси» деб эътироф этилган бразилиялик мутахассис Луис Фелипе Сколари Тошкентга келди.

Гап шундаки ўз вақтида Бразилия ва Португалия терма жамоаларини бошқарган иктидорли мураббий Луис Сколари бундан буён «Бунёдкор» жамоаси ҳамда Болалар футбол академиясида фаолият юритида. Бу борада унга иккинчи мураббий Флавио Да Кунья Тейшейра, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий Дарлан Жозе Шнайдер ҳамда дарвозабонлар мураббийси Антонио Карлос Прачиделли яқиндан ёрдам кўрсатади. 2010 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган янги стадион барпо этилгач, Болалар футбол академияси фаолияти янада ривожланади. Чунки ақин келажакда ушбу академияга хоридан яна етти нафар мутахассис ташриф буоради.

Шахмат

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ИККИНЧИ

Аёллар ўртасида шахмат бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган Ольга Собирова 8 очко жамғариб иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Жорий йилги биринчилик мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрган фарғоналик Нафиса Муминова бошқа рақибларидан кўра маҳорат бобида устун эканлигини исботлаб, яқинда 10,5 очко жамғариб ва шохсупа туридан жой эгаллади. Мусобақаларда анча ишончли ҳаракат қилиб, 7 очко тўплаган яна бир фарғоналик «ақл гимнастикаси» устаси Хўлқар Тохиржонова учинчи ўрин билан қиёфояланди.

Теннис

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

Қарши шахридаги марказий теннис кортида теннис бўйича аёллар ўртасида халқаро турнир ташкил этилди.

Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ доллари тенг ушбу нуфузли турнирга қурраи заминнинг 27 давлатидан 80 нафар катта ракетка усталари ташриф буюрди.

Ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини умидли ёш теннисчилар Алиса Огородова, Александра Колесниченко ва Нигина Рахмонова ҳимоя қилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Бизга маълумки, тупроқ ерда ҳаётнинг келиб чиқиши билан бир вақтда пайдо бўлган ва ривожланган. Маълумотларга кўра, тупроқнинг 2-3 сантиметр қалинликдаги ҳосилдор қатлами ҳосил бўлишига 300 йилдан 1000 йилгача вақт керак бўлар экан.

Бирок турли табиий ва антропоген сабаблар тупроқ тўзимлигини ўзгартириб юбормоқда. Жумладан, эрозиялар натижасида тупроқ юзасида ҳар йили унинг муайян қисми йўқотилмоқда. Шамол ва сув билан ювилтиш натижасида экин майдонларидан ва ўтлоқзорлардан ҳар йили 2-3 миллиард тонна майда тупроқ зарралари ва 100 миллион тонна гамус, 43 миллион тонна азот, калий каби фойдали элемент бирикмалари йўқолиб, берилган ўғитнинг 40 фоизи ювилиб кетмоқда.

Тупроқ қатламининг ифлосланишида кимёвий моддаларнинг таъсири жуда катта. Қишлоқ хўжалигида 70 га яқин кимёвий воситаларнинг меъёридан ортиқ қўлланилиши оқибатида улар тупроқда йиғилиб қолиб,

тупроқ тагида сув, ҳаво ҳамда моддалар алмашинувиининг ёмонлашишига олиб келади ва оқибатда инсон саломатлигига ҳам жиддий зарар етказилади.

Юқорида таъкидланган ерга бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатлар натижасида сайёрамаида ҳар йили 7 миллион гектар ер шўр босиши, чўлланилиши ва еририлиши оқибатида яроқсиз ҳолга келмоқда. Бундай глобал муаммолар халқаро ҳамжамиятнинг жиддий ташвишига солмоқда. Шу сабабли салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, табиатнинг мусофоллигини сақлаш мақсадида Республикамаида қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёт-

рона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилган. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун ҳар бир инсон ўзининг яшаш муҳити, биосфера ва экологик тизимларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга мажбурдир», деб қўрсатиб ўтилган. Демак, тупроқ қатламининг ифлосланиши нафақат табиатнинг бузилишига, балки инсон саломатлигига ҳамда унинг ҳаёт фаолиятига катта ҳавф келтиради. Шундай экан, ҳар биримиз табиатни асраб-авайламоғимиз, унинг ифлосланишига асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Нодир ШОДМОНОВ,
талаба

Нақд хоридий валюталарни боғжона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтишга уринувчи қимсаларни валюта бозорини ривожлантириш борасида олиб берилаётган ислохотларнинг самараси эмас, балки мўмай даромад кўпроқ қизқитиради. Республикамаида боғжоначилари фақат ўз манфаатини ўйлайдиган ва ноқонуний хатти-ҳаракатдан қайтмайдиган ана шундай шахсларни фош этмоқдалар.

Тошкент шаҳар боғжоначилари фуқаро Ш.Пайчианованинг ички кийимларига беркитган ҳолда 5,5 мингга яқин АҚШ доллари ва 85 минг қозоқ тангасини қўшни республикага олиб чиқишга уринишни чиппақча чиқаришди.

Фуқаро А.Бердешева боғжона баённомасини тўлдирар экан ёнида ҳеч қандай нақд валюталар йўқлигини қайд этди. Лекин бу аёлнинг ўзи билан 95 минг қозоқ тангасини яширинча олиб кетаётганлигини боғжоначилар фош этишди.

Юртига қайтаётган А.Багрова ҳам «Тошкент — Москва»

БОҒЖОНА ТЕКШИРУВДА ФОШ ЭТИЛДИ

йўналиши бўйича парвозини ўз вақтида амалга оширолмади. Бунинг сабабчиси эса ўзи бўлиб у салкам 69 минг Россия рубли ва 135 евроно сумкасига яширганча олиб чиқишга уринган эди.

Фуқаро К.Ҳакимжонова боғжона баённомасида кўрсатилмаган озғани сўров пайтида айтилмаган 1660 АҚШ доллари билан Истанбулга учиб олдидан Тошкент халқаро аэропорти боғжоначилари томонидан тўхтайтиб қолинди. Шунингдек, боғжоначилар Туркияга унаётган хоридий М.Граҳамнинг ҳам 1600 инглиз фунт стерлингини ноқонуний олиб чиқиш режасига нукта қўйишди.

Қўшни республика фуқароси Г.Калонваннинг хатти-ҳаракатлари боғжоначиларда шубҳа уйғотди ва ўтказилган текширувлар натижасида унинг юк сумкаларига 1700 АҚШ доллари ва салкам 4500 қирғиз сўми яширилганлиги аниқланди.

Яна бир хоридий фуқароси М.Икромова эса 1420 АҚШ доллари ва минг қозоқ тангасини яширинча олиб ўтишга урингани боис боғжоначилар қаршида ер чиқиб қолди.

«Тошкент —Новосибирск» йўналишидаги поездада кетаётган фуқаро Д.Юлдашева «Келес» темир йўл боғжона пости ходимларининг кўзини шамғалат қилишга уриниб 1800 АҚШ долларини белига боғлаб олган экан. Аммо бу «ишончли» усулдан фақатгина ўзи панд еди халос.

Боғжоначиларга чап беришга уринган Н.Андабаева эса 35 минг қозоқ тангасини чўнтак ёки ҳамон қилиб пайпоғига яширган экан. Нақд валюталарни қўшни республикага олиб чиқишга уринган бу қонунбузарнинг хатти-ҳаракатларига Тошкент вилояти боғжоначилари томонидан яқун ясалди.

Қўшни давлат фуқароси М.Аҳметов ҳам юртимизга киратиб, чўнтақларига беркитилган 117 минг қозоқ тангасини боғжона баённомасида қайд этишни «унутди». Бу ҳам етмагандек «мехмон» ўзи билан қарийб 4 грамм марихуана гивандлик моддасини олиб киришга уринганида боғжоначиларга дуч келди.

Хозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат боғжона қўмитаси матбуот хизмати

Инсон ўзининг ҳаёти фаолиятида гўзалликни бахшида этувчи гулу чечаклар бўстонида ошиқда, уларнинг ажиб тароватидан баҳра олишга интилади. Мингларча нашидали гуллар ичида гулсафсар бир қатор хосиятлари билан ажралиб туради.

Зийнатли гуллар

КАМАЛАК РАНГ ГУЛСАФСАР

Гулсафсарнинг атлас мисол ҳар турда товланиб туриши тўғрисида, кўнча замоналарда юнонлар уни камалак-ирис деб номлашган. Италияда Флоренция деган манзилгоҳ мавжуд, мазкур жойларда этруслар яшаган бўлиб, бу ерларнинг атрофини гулсафсарзорлар ташкил этган. Флоренция лотин тилида «барқ уриб ўсувчи» маъносини аниқлатади.

Гулсафсар бачча япон оилаларининг эъозланувчи гули ҳисобланади. Аньанавий 5 май куни ўтказиладиган «Болалар байрами»да ўғил фарзандли хонадонларда гулсафсар рамзи туширилган буюмлар бўлади.

Японлар гулсафсар билан нораңжа воситасида «Май маржони» деб номланувчи тумор ясайдилар, бу эса ўз навбатида турли бало-қазолардан, касалликлардан асровчи омил бўлиб хизмат қилади. Чунки гулсафсар ва харбий шикоят бир белги — иероглиф билан белгиланади. Тўғриси, гултожиқхўроз барглари тигли қилини эслатади.

Руслар гулсафсарни «кастик» деб эрқалатиб айтишади, бу ибора эса ёқимтой, қимматли, сеvimли ва умидли деган маъноларни билдиради.

Гулсафсар қадим-қадимдан талайгина дардлар давоси сифатида ишлатиб келинади. Маълумотларда келтирилишича, гулсафсар илдизини эзиб асл асал билан чирбанд қилиб боғланса, теридаги оқ доғлар ва песи ярим йилда бартараф этади, танадаги селли гуш ва сел-

ли яраларга даволик қилади. Абу Али ибн Сино ўз даврида гулсафсар илдизини юздаги пайса доғлар, сепкил ва нуқталари қондалашда, барқ қайнатмасини эса қайноқ сув билан қуйиб содир бўлганида азиятланган жойларнинг тез битишида тадбирона қўллаган.

Халқ табиати амалиётида гулсафсар илдизини сувда қайнатиб, мазкур сув билан оғиз қайиладиган бўлса, тиш огрилари билан холи этади. Ўсимлик гулини хидланса юракка далда беради, мияга ҳузур бағишлайди, кўнгили равшанлаштиради, эс-ҳушни бутунлайди.

Гулсафсарнинг барги ва гулини тўйиб боғланса, жароҳатларга эмлик қилади, илдизини пишириб, мусаллас билан ҳаммири қилиб танага боғланса, шилларни қайтаради. Гулсафсардан ҳозирда ҳам атрофича фойдаланилади. Гулсафсарнинг илдизларидан ҳузурўйлаш саносида фойдаланиладиган эфир мойлари олинади. Гул илдизларидан олинадиган мойнинг 85 фоизга яқини мидирстин ачили ҳисобланади. Мойи бинафша хидини таратади, бу хушбўй хид кетон-ирон билан боғлиқ.

Гулсафсар бизнинг иқлим шароитида жуда яхши ўсади, уни бир қарич атрофида юмшатиладиган тупроққа, ариқ пуштларда келтирилишича, гулсафсар 50 см, ўсимлик қатор оралиб 30 см қилиб, ўсимликнинг илдизларини бўлақлаб экилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3676 нусxada босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89